

Олимларнинг илмий ишлари илмий мушоҳадага асосланган бўлади. Шу боис, уларни ўқиш ва ўқишнинг ҳам бир мунча мураккабликлари бор. Номзодлик ёки докторлик диссертациясини оладиган бўлсак, ҳар бир жумла бирор-бир фикрни тасдиқ ёки инкор қилиши, ўқувчини маълум янгиликдан хабардор этиши зарур. Энг муҳими, илмий ишда умумий, маълум мулоҳазалар эмас, илм қилувчининг аниқ-туғал фикрлари, илмий изланиши, кузатуви асосидаги хулосалари бўлиши шарт.

Шуларча замонда илмий иш ёзишнинг ўзига хос қолиби юзага келган эди. Диссертацияни баҳолашда унда шу мавзуда ёзилган бошқа ишларнинг санаб ўтилиши, ўзиндан катта, нуфузли устозларнинг ишлари тилга олингани, улардан кўчирмалар келтирилгани ва юксак баҳо берилгани муҳим аҳамиятга эга бўларди. Бошқаларнинг фикрлари шу қадар кўп келтирилдики, муаллифнинг шахсий фикри ёки хулосаси кўп ҳолларда уларнинг соясида қолиб кетарди.

“ҲАР НЕКИМ КЎНГУДА БОР — ТИЛГА СУРМА...”

Иш юзасидан, баъзан эса қизиқшим боис, кўпга диссертацияларни, илмий маъруза матнларини, олимларнинг давра суҳбатларини ўқиб чиқишга, айрим ҳолларда уларга баҳо беришга тўғри келади. Бу иш билан узоқ йиллар давомида узлуксиз шуғулланганим, бугун ҳам имкон даражасида машғуллигим боис, кўнгулда баъзи мулоҳазалар ҳам йил-йил қолди. Улар, аввало, ўзимга, шогирдларимга керак. Балки бу фикрларим бошқаларни, масалан, ёш тадқиқотчиларни ҳам қизиқтириб қолиши мумкин, деган фикрда қўлимга қалам олдим.

Имиллаш ҳам кетмайди. Баъзан заҳматқаш бир олим минбарга кўтарилиб, жўяли бир фикрни ўртага ташлайди. Унинг ортидан бошқалар, “Шундоқ фикр айтилганида биз жим турсак, илмий обрўйимизга пугур етиб қолмасин”, дегандай, бирин-кетин сўз оlishади. Гапни “Домла жуда тўғри айтилди, ҳақиқатан ҳам шундай...” қабилида бошлаб, шу оҳангда яқунлашади. Ўзда мустақил фикри

бўлмаган одам, минбарни банд қилмай, бошқаларни тинглаб ўтиргани маъқул. Баъзи илмий ишларда кўпчилик тушуинмайдиган иборалар, изоҳсиз сўзлар ҳақда ташқари кўп учрайди. Айрим ёш тадқиқотчилар уларнича илмий ишнинг нуфузини ошираман деб шундай қилишади. Уларни тушуниш учун бошқа кўпга манбаларни эринмай варақлаш керак. Бу, очигини айтганда, ишнинг хомлиги, пишиб етилмаганлиги белгисидир. Ҳақиқий олим ўзи фикрини илмий жумбуқларсиз ҳам ифода қила олади.

Яширишдан не фойда, баъзи илмий ишларни нари борса беш-ўн киши, балки йигирма-ўттиз киши ўқийди, диссертация химоа қилингандан кейин уларнинг кўпи катта-кичик китоб хавонларини беэз тираверади. Бу энди, адолатдан эмас, деб ўйлайман. Ахир, битта диссертацияни ёзиш учун бир кишининг бир неча йиллик умри, давлатнинг маблағи кетган-ку! Бундай десак, ҳозир ҳатто бадий асарларни ҳам ўқувчига зўрлаб тақширишнинг иложи йўқ. Ягона йўл, меннинг назаримда, илмий ишни ўқийдиган ва ўқиганда ундан баҳра оладиган қилиб ёзиш керак.

Олимлик мансаб ҳам, мартаба ҳам эмас. Лекин илм кишининг нутқи ҳам, ёзуви ҳам мукамал бўлса қандай яхши. Илм кишиларига жуда кўп маъруза қилишга тўғри келади. Ҳар гал минбарга кўтарилаётганимда, машхур нотик Цицероннинг бир фикри ёдимга тушади: “Сўзинг кучи билан омманинг диққатини ўзинга тортиш ва уларни ром этишдан ҳам лаззатлироқ нарсани билмайман”.

Албатта, нотикликда Цицерон даражасига етиш қийин, ammo маърузачи, агар у илм киши бўлса, айтадиган гапларини яхшилаб ўйлаб, фикрини жамлаб, ҳеч бўлмаганда тезис кўринишида қоғозга тушириб олиши керак. “Сўз — либос, маъно шу либос остига аширган сир”, дейишади. Маърузада шундай сўзларни топиб ишлатиш кераки, улар тингловчиларга таъсир кўрсатсин, хотираларига ўрнашга қолсин.

Афлотун: “Агар савол тўғри берилган бўлса, ҳар қандай саволга ҳам жавоб қўтариш мумкин”, деган экан. Баъзи нотиклар, мен кўпроқ илм кишилари кўзда тушмоқдам, маърузани яхши ўқийди, ammo тингловчиларнинг саволларига келганда уларни йўқотиб қўйишади, ҳаяжон босади. Илм кишичи унча-мунча нарсаларга ҳаяжонланмай, ҳар қандай ҳолатда ҳам манتيқий фикрлашда давом этиши керак, деб ўйлайман.

Алишер Навоий ҳазратлари: “Сўзни кўнгулда пишкормагунча тилга келтурма, ҳар неким кўнгулда бор — тилга сурма”, деганлар. Бу борада Цицероннинг фикри мана бундай: “Агар нотик гапирмоқчи бўлган нарсасини мукамал билмас (мукамал билмай туриб ҳам минбарга кўтарила — М.Т.), унинг нотиклиги уч пул”. Бу ўғитлар ҳамиша ёдимизда туриши керак.

ён дафтаримга кўринарли қилиб кўчириб қўйганман, турфа хил йиғинларда бот-бот эслаб тураман. Яна бир мулоҳаза. Илмда устоз-шогирдлик аъёналари мавжуд. Ҳеч ким ўз-ўзиндан олим бўлиб қолмайди. Хаммамиз ҳам илм майдонига улуг аждодларимизнинг бизларгача етиб келган илмий меросидан озми-кўпми баҳраманд бўлиб, бугунги устозларга эргашиб, уларнинг не-не заҳматлар билан битилган китобларини ўқиб-ўрганиб кирганимиз. Илк ишларимиз уларнинг раҳбарлиги остида ёруғликка чиққан. Изоҳли лугатимизда “раҳбарлик” сўзи “бошчилик”, “бошлиқлик”, “йўлбошчилик”, “раҳнамолик”, “мураббийлик”, “устозлик”, “илмий” сўзи эса “илмга оид”, “илмга қаратилган”, “илм-фан билан боғлиқ муаммоларни ўргатувчи”, “илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи” маъноларида изоҳланган. Демак, “илмий раҳбар” атамасини “Еш тадқиқотчиларга илмий фаолиятда раҳбарлик қилувчи мураббий”, деб тушунасак, ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Аммо...

Илмий раҳбар бўлиш осон эмас. Бундай номга мушарраф бўлган киши, энг аввало, бағрикенг, самимий, илмда нуфузи банд, сўзи мантиқли ва... журъатли бўлиши керак. Баъзан шунчаки олимликни ҳавас қилиб қолган, кимгадир ишониб, таяниб қўлига қалам олган кишиларга ҳам раҳбарлик қилишга тўғри келади. Бундай пайтларда раҳбар журъатли бўлиши, яъни, аввалбошдаёқ бу талабдордан илм кишичи қадими ёки йўқми, буни очик айтиши, умри беҳуда ўтишига ўзи ҳам сабабчи бўлмаслиги керак. Ва, аксининг билиб, бечоранинг садокатини узоқ вақт ўзига қулук қилиши, майда-чуйда ишларга ҳозир нозирлиги билан синиб кўрмаслиги лозим. Бу гапим кимгадир тегиб кетмаслигини истар эдим — айна мана шу ҳолатга дош беролмаган кўпга ёшлар илм даргоҳларини ташлаб кетганларини ҳам билмаман. Бу энди — кенгаги ўтмишимиздан қолган аччиқ хотира. Аммо хотира экан-да, деб бепарво ҳам бўлмаслигимиз керак...

Этиборингизга ҳавола этаётган ушбу фикрларимни танкили мутафаккир Каннинг: “Устоз ўз шогирдига фикрларни эмас, фикрлашни ўргатиши керак”, деган ўта муҳим сўзлари билан яқунламоқчи эдим, ёдимга Кайковунсинг мана бу ҳикмати тушиб қолди: “Эй фарзанд, баданини ўзинга мутеъ қил ва қаҳр била итоатга буюрғил”. Устоз-шогирдлик муносабатларини бундан ортик ифодалаш жуда қийин.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоллик учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Одил Ёқубов шу йил 21 декабр куни 83 ёшида вафот этди.



Одил Ёқубов 1926 йили хизматчи оиласида туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945-1950 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. 1951-1956 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида тахсил олди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, “Литературная газета”нинг республикакизи бўйича махсус мухбири, “Ўзбекифилм” киностудиясида ва Кинематография давлат қўмитасида бош муҳаррир, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Атамашунослик қўмитаси раиси ва Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице президенти лавозимларида хизмат қилди.

Одил Ёқубов катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Адибнинг биринчи йирик асари “Тенгдошлар” кассиси 1951 йилда нашр этилди. Қарий ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Одил Ёқубов яратган ўнлаб нарсий китоблар, жумладан, “Икки муҳаббат”, “Муқаддас”, “Қанот муҳаббат”, “Биллур қандиллар”, “Излайман” каби киссалар, “Эр бошига иш туша”, “Улугбек хазинаси”, “Диёнат”, “Оқушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” сингари романлар адабиётимиз

миз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Меҳнатқаш ва бағрикенг халқимизнинг мураккаб тарихи ва бугунги ҳаёти катта маҳорат билан акс эттирилган ва асарларнинг аксарияти кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилган.

Одил Ёқубов бадий проза билан бир қаторда драматургия ва публицистика жанрларида ҳам самарали ижод қилди, ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш этди. Атоқли ёзувчининг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” фахрий унвони, Давлат мукофоти, “Дўстлик” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Одил Ёқубовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, П.КОДИРОВ.

БЕНАЗИР СЎЗ УСТАСИ

Одил Ёқубов ижод қаламини умрининг охиригача маҳкам тутган, уни чинакам адабиёт, ижод йўлида самарали тебратган, устоз мақомига эришган заҳматқаш адибларимиздан эди. Устоз ҳаётни теран ва кенг қўлампаларда тасвирлашни яхши кўрарди. Ёзувчининг ижоди “Дастлабки қадам”, “Икки муҳаббат” сингари ҳикоялардан бошланиб, “Муқаддас”, “Бир феъланг кассеси”, “Қанот муҳаббат”, “Матлуба” каби кассеалари билан кўркамлашиб борди. Ҳақиқат тарихимиз ҳақида баралла сўз айти олиш мушук бўлган замонларда чинакам истевлод соҳиби бўлган Одил Ёқубов бутун шижоатини, қаламининг кучини жонажон тарихимиз қатларини ёритишга қаратди. Натияжада адабиётимизни бойитган, унинг довруғини дунёга таратган машхур “Улугбек хазинаси” тарихий романи қоғозга тушди. Роман халқ орасида кенг ёйилди, ойнаи жаҳон юзини кўргандан кейин эса, энг кўп ўқилади-ган асарлардан бирига айланди. Эсимда, роман эълон қилиниши арафасида бир кун Ўзбекистон халқ шоири Миртемир романнинг қўлёз-масини кўтиқлаганча оҳиста юриб нашриётга кириб келган ва Одил акани ижодий ютуқ билан табриклаб, узоқ суҳбатлашиб ўтирган эди. Бундай қўтловлар жуда кўп бўларди.

“Улугбек хазинаси” жаҳоннинг кўпга тилларига таржима қилини, адибимизнинг номини, адабиётимизнинг шаънини кўтарди. Одил Ёқубов хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзулардаги асарларига диёнатли инсонларни бош қаҳрамон қилиб олди. Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек сингари буюк сиймослар адиб қаламининг сеҳри туғайли қалбларимиздан яна ҳам чуқурроқ ўрин олди, ҳамнафас замондошларимизга айланди.

Устоз адибнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари катта. Ижтимоий руҳ, янгича характерлар талқини, кескин сюжетлар, чуқур психологизм, сўз устида ишлатил, теран бадий хулосалар чиқариш адиб асарларини бойитиб турган жиҳатлардир.

Одил ака жуда кўп ижодкорларга устозлик қилди. У шогирдларга ўзининг фикрини ўтказишга ҳеч қачон интилмас, балки самимий ва холис мулоҳазаларни ўртага ташлаб, ёш ижодкорларга ўзлари учун керакли хулосалар чиқариб олишга имкон яратар, мустақил фикрлашга ўргатарди.

Беназир сўз устаси халқимизга ҳикоялар, киссалар, романлар, драмалар, публицистик мақолалар, сценарийлар, таржималардан иборат катта бадий мерос қолдири. Ҳали кўп авлодларнинг бу меросдан баҳраманд бўлишларига асло шубҳа йўқ.

Мухаммад АЛИ

“МОЗИЙДАН САДО”, 4/2009

Журналнинг ушбу сонида ҳам мамлакатимиз, халқимиз тарихига оид бир қатор қизиқарли ва ўқишли мақолалар эълон қилинган. Чунончи, академик Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг “Хоразм” атамасининг этимологияси”, Шамсиддин Камолиддин ва Эргаш Умаровларнинг “Самарқанднинг ўрта асрлар тангаси”, Корёғди Жумаевнинг “Коракўл ёдгор-



хонларда катта қизиқиш уйғоғи тиши шубҳасиз.

Журналда, шунингдек, Исо Жабборовнинг “Ўзбеклар”, Кобулжон Насрирдиновнинг “Фаргона водийсининг сугорилиши тарихидан” китобларига ва “Ҳазрати Башир манокитби” рисоласига тақризлар эълон қилинган.

“Огаҳий абадиети” мақола-сиди муаллиф Дилмурод Бобо-жонов айна кунликларини”, Асхат Бийкузиевнинг “Қушон ва Қанг давлатлари муносабатлари”, Афтондил Эркиновнинг “Ноёб кўлэзма изидан”, Нозим Ҳабибуллаев, Абдугани Валиев ва Барно Маҳмудовларнинг мамлакатимизда қоғоз ишлаб чиқариш тарихига оид мақолалари журнал-

ларда таваллудининг 200 йиллиги нишонланаётган шoirнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради. Файзулла Отахонов ва Шариф Юсуповнинг чуқур таҳлилий мақолалари ҳам журналнинг ушбу сонидан жой олган.



Дилқаш суҳбат...

Публицист-ёзувчи Ашурвали Жўраевнинг “Меҳринг қани, меҳрибон?” номили маърифий эссе-си шундай яхшиланади: “Меҳрингизни дариг тутманг, одамлар. Олам ўзгараётганда, одам ўзгараётганда бир-бирингизга меҳрли, меҳрибон бўлинг. Ҳар қандай қувонч ва ютуқлар, тўй-байрамлар ҳам меҳр билан тотли, меҳр билан боқий. Бизни ҳар қандай синов ва изтиробли лаҳзалардан фақат меҳр қутқаради, меҳрибонлик асрайди”.

МЕҲР МАКТУБЛАРИ

Табиат, тирикликнинг не бир сўқмоғу пучмоқларига кириб, дунёни ва инсонни меҳр асрайди, дея ҳиссий мушоҳадаларга берилган муаллифнинг эссе сўнгидаги маъзур мулоҳазалари каминани ўйлантириб қўйди. Эртароқ эмасикан, ҳали навқирон палладаги ижодкорга бундай чакриқлар, ширнамо даъватлар айтиш...

мақолалар чоп эттирди. Ўзи туғилган юрти — Навоий вилояти, Кармана тумани, Жалойир китлоғи ҳақидаги “Жалойирга мактублар” номили публицистик кассиси ҳам фарзандлик меҳрининг меваси бўлиб майдонга келди. Ундаги дард, куюнчақлик билан билдирилган мулоҳазалар бари кадрдон қишлоғига бўлган меҳру муҳаббатнинг ифодаси ўлароқ, 80-90 йиллар ўзбек журналистикасида ҳам жанр, ҳам журъат борасида ўзига хос воқеа бўлди. Буни муаллифнинг 1999 йили чоп этилган “Сенга кўнгул берсам...” китобига ёзган сўзбосида Иброҳим Гафуров ҳам қайд этди: “... Ашурвали ўз юрти — Карманани, ўз она қишлоғи Жалойирни жуда ҳам севади. Бу ердаги ҳар қачон тупроқни, ҳар бир ерга эгаллик қилаётган одамларни беш қўлдай яхши билади. Мири-

дан сиригача дейимизми... ана шундай миридлар сиригача билади. Бу журналистика учун энг зарур нарсаси. Шунинг учун ҳам яхши ёза олади. Мухимни номухимдан яхши ажратади. Эл, мамлакатнинг қорига нима ярашини кенг тасаввур қилади. Яхши билган журналистнинг ёзгани доим ишонарли, пухта, тасвирчан чиқади, ўқувчи қалбига етиб боради. Унинг “Жалойирга мактублар” публицистик кассиси ана шу севаги туғайли, ки-

Этироф

ри ҳақида Ашурвали суёб, тўқиниланиб очерклар яратди. Улар шунчаки таржимаи ҳол баёни бўлиб эмас, ҳасби хол бўлиб ҳам санъаткорларнинг дил армони, гоҳ қувонч, гоҳ дарду изтироблари изхори бўлиб қоғозга кўчди, ўқувчини ҳаяжонга солди. Муаллифнинг қатор йиллар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида санъат бўлимини бошқаргани ана ўша ўнлаб мақолаларнинг майдонга келиши ва Ашурвали Жўраевнинг санъат дунёсининг ҳам ўз одами бўлиб қолишига сабаб эди.

Назаримда, Ашурвали Жўраевнинг меҳр борасида иттифоқиди, даъват қилиб ёзишга ҳақ-ҳуқуқи борлигини шу юқорида келтирилганларнинг ўзи ҳам бир кўр исбот этар. У меҳр кўргани учун ҳам бу табарруқ туйғунинг танкис туйғуга айланмаслигини, ўсаётган, ўзгараётган дунёда ўзгараётган одамлар қалбига айна шу — жуда ўзбекча, жуда миллий туйғу — меҳру оқибатнинг ўзгарилиши, ҳар юракда илдириб отиб яшашини истаётганидан даъваткор сўз айтишга ўзини нафақат ҳақиқ, айна чоғда, ёзувчи, журналист ва инсон сифатида бурчи ҳисоблаган. Ашурвалига қўшилиб, биз ҳам “Меҳрингизни дариг тутманг, одамлар!” деб қоламиз.

Шухрат РИЗАЕВ

Бадий уюшманинг кўчма йиғилиши

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг навбатдаги йиллик мажлиси бу гал Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Йиллик йиғилишларни бевосита мамлакатимиз вилоятларида ўтказиш яхши аъёна тусини олмақда. Бундан аввалги шундай кўчма йиғилишлар Нукус, Урганч, Бўхоро ва Наманган шаҳрида ўтказилган бўлиб, тасвирий ва амалий санъат мухлислари билан янада кенг мулоқотда бўлиш имконини берган эди.

Йиғилишда Бадий ижодкорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, академик В. Бурмакиннинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йилда мўйқалам усталари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги хисобот маърузаси тингланди ва муҳокама этилди. Шунингдек, рангтасвир шўбаси раиси Алишер Алиқуллов, графика шўбаси раиси Радик Азизов, Бадий ижодкорлар уюшмаси Сурхондарё бўлими раиси Турсунбой Шоймардоновларнинг ахборотлари ҳам тингланди.

Ушбу тадбир доирасида вилоят археология музейида сурхондарёлик рассомларнинг “Ортимиз жилолари”, вилоят ёшлар марказида эса рассом Эркин Араловнинг “Сурхон соғинчлари” деб номланган кўргазмалари очилди. Тадбир иштирокчилари Шеробод туманида бўлиб, 66-мактаб биносида ота-боло рассомлар Чоршанби ва Акрам Маматқулловлар, ҳайкалтарош Мухаммаджон Ботиров, қуллол Ботир Пардаевларнинг кўргазмаларини томоша қилишди. Поиттахдан келган меҳмонлар Термиздаги Рўзи Чориев номидаги тасвирий санъат галереясида ҳам бўлишди.

Тадбирда Тошкент, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида яшаб ижод қилаётган бир гуруҳ ёш рассомлар Бадий ижодкорлар уюшмасига қабул қилиндилар.

Кун кеча “Дийдор” театр студиясида режиссёр Сайфиддин Малиев томонидан сахналаштирилган “Бир оқшом...” халқ бадий ижодиёти намуналаридан иборат спектакл намойиш этилди. Унда азалий урф-одатларимиз, гаштак шаклидаги ҳажвий кўшиқ ва яллар ўрин олган бўлиб, роллар-

Маданий ҳаёт

ни актёрлар Гулруҳ Йўлдошева, Жўрабек Арзиев, Абдужамил Азизов, Элёр Собиров, Надежда Абдуллаева, Нодира Зуфарова, Сарвиноз Шорамхетовалар ижро этишган.

Х.БУРҲОНОВ

Корақалпоғистон давлат музыка театрида драматург Кенгесбой Раҳмоновнинг «Кувё» асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жалғасбой Султаниев сахналаштирган спектакл намойиш этилмоқда.

Асосий ролларни Жангабой Утепбергенов, Бозорбой Назаримбетов, Қурбонбой Қаландаров ижро этганлар.

XX аср ўзбек адабиёти намояндлари орасида узоқ умр кўрган адиблардан бири Комил Яшиндир. У баракали умри мобайнида Ҳамза ва Чўлпон сингари шоирлардан ижод сирларини ўрганиш, Қори Ёқубов ва Тўхтасин Жалилов сингари санъат даргалари билан ҳамкорлик қилиш шарафига эришди. Мураккаб тарихий даврда рўй берган ижтимоий ва маданий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлди, шу воқеаларнинг маълум бир қисмида шахсан иштирок ҳам этди. XX аср ўзбек адабиётида шўро даври мавзуларини адабиёт ва санъатнинг қарийб барча тур ва жанрларида ёритишга Яшиндек катта куч сарфлаган бошқа ижодкорни топиш қийин.



Комил Яшин 1909 йил 25 декабрда Андижон шаҳрида туғилди. Унинг бодиси Жумабой тўғаш Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Сақичмон маҳалласида яшаб, бойлар ва савдогарларнинг молларини бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ташиш билан турмуш тебратган. Айтишларича, Эски Жўвада унинг карвонсаройи бўлган. Жумабой тўғаш биринчи хотинидан Қосим, Содиқ ва Нўмон деган ўғиллар кўрган. Унинг Нўмон деган учинчи фарзандидан бизнинг муҳтарам адибимиз Комил Яшин дунёга келган.

Деди. Лекин ўзгара бошлаган замон унинг адабий диди ва қарашларига ўз муҳрini Ҳамза орқали босди. У 1915 йилда эски мактабда Фахриддинхон исми мутаассиб муаллим қўлида ўқий бошлади. Шу вақтда инқилобий воқеалар юз берди. 1919 йили андижонлик машҳур тадбиркор Миркомилбойдан тортиб олинган Савдо маркази маданият ходимлари ихтиёрига берилди. Баҳор ойларида шу ерда Ҳамза билан бўлиб ўтган учрашуви Яшиннинг кейинги ҳаёти ва ижодига катта таъсир кўрсатди.

Ҳамза Ҳакимзода билан илк учрашуви, — деб ёзган эди адиб, — калбимда ўчмас ва чуқур из қолдирди. Ушандан бошлаб вужудимга бир туйғу орандан қолди. У ҳам бўлса саҳна санъатига кучли мухаббат эди. Санъатни азбаройи севиб қолганимдан у ҳатто тузларимга ҳам кириб чиқарди.

Афсуски, адиб шу йилларда ҳам, кей-

Комил Яшин таваллуудан 100 йилга

ва маънавий муаммоларидан бири сифатида талқин қилинади. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишида Ҳамзанинг хизматлари оз эмас. Драма ва комедия табиатини чуқур ҳис этган Ҳамза драматик ва комик вазиятларни яратишда мислсиз бўлиши билан бирга, қаҳрамонлар нутқини ишлашнинг ҳам моҳир устаси эди. Яшин Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Майсаранинг иши", "Захарли ҳаёт" асарларини қайта саҳнага олиб чиқиш жараёнида устознинг драматургик маҳоратини пухта эгаллади. Шу ҳол унинг Навоий ва халқ озаки ижоди дурдоналарини мусиқали ва опера театрлари саҳнасига олиб чиқишида ҳам ("Фарход ва Ширин", "Равшан ва Зулумор", "Дилором"), "Ҳамза", "Йўлчи юлдуз", "Инқилоб тонги" драмаларини яратишида ҳам ўз жамолини кўрсатиб туради.

Яшиннинг драматург сифатидаги хизматлари тўғрисида сўз борар экан, Миртемирнинг қуйидаги драматургини эслаш жоиз: "Драматург деганда, — деб ёзган эди у, — кўз ўнгимизга буюк Ҳамзадан кейин у келади. Унинг драмалари қадам-қадам, зина-зина юксалиб, чини-чино, ўсиб-улғайиб, томошабин дилида ўчмас из қолдирган. Унинг ўзи ҳам қадам-қадам, зина-зина юксалиб, чини-

драмаси, Навоий театри учун эса "Дилором" опера либреттосини ёзганини қайд қилиб, бундай сўзларни айтган: "Мен 1958 йилда ўзбек олим, улуг астроном, мутафаккир, файласуф Улугбек ҳақида Ҳамза номли театр учун бир трагедия устида иш олиб бормоқдам. Бу тема мени кўпдан бери қизиқтириб келади. 1958 йилда Улугбек номига лойиқ асар яратиб, шу орзумга етсам, ўзимни бахтиёр, деб билардим".

Биз бу асарнинг ёзилмай қолиш сабабларидан огоҳ эмасмиз. Адибнинг 1958 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланиши ва ташкилий ишлар билан ўралашиб қолиши, балки шу ижодий ниятнинг рўёбга чиқишига имкон бермагандир. Балки у Мақсуд Шайхонданнинг "Мирзо Улугбек" трагедиясини ёзишга тараддуд кўраётганидан воқиф бўлиб, қаламқаш дўстини истамагандир. Ким билади, балки Яшин бу кутлуг ижодий режасини амалга ошириш имконига эга бўлганда унинг кейинги ижоди бошқа ўзанда кечган ва у адабиётимиз хазинасида бир умрга қоладиган саҳна асарларини яратган бўлармиди.

Камина адибнинг энг сўнгги асари — "Еднома"ни варақлар эканман, муаллифнинг муҳозафа қуввати беҳад даражада кучли бўлганидан хайратга тушаман. У болалик кезларидан умрининг сўнгги нафасига қадар ўзи гувоҳ бўлган ёки ашитган воқеаларни, одамларни хотирасида шу қадар тиниқ ва тўла сақлаган эдики, "Еднома"ни ўқиган киши Яшиннинг XX асрдаги ўзбек халқи тарихининг жонли қомуси сифатида идрок этиши ҳеч гап эмас эди. Биз, бир-икки адабиётшунос, Яшин ақани зиёрат қилиб борганимизда, у Чўлпон, Қори Ёқубов ва бошқа ўнлаб машҳур тарихий шахслар тўғрисида шундай воқеаларни айтиб берардики; биз адибдан шу хотираларни қозғашга тушириб, "Еднома"нинг иккинчи китобини тезроқ чоп этишини илтимос қилардиқ. Лекин у хорганлиги ва ортиқ ёзувга рағбати қолмаганлиги сабабли бу воқеаларни ёзишни бизнинг ўзимизга топширмоқчи бўлди.

Камина ўша кезларда Чўлпон шахси билан қизиққанам туфайли Яшин ақадан ҳам, Ҳалима опадан ҳам уларнинг улуг андижонлик юртодши ҳақидаги хотираларини билишни истаардим. Ҳалима опа Чўлпонни ўз отасидан ҳам ортиқ даражада ҳурмат қилар, Яшин ака эса, ҳали хушёр қўлоқлар борлиги сабабли, Чўлпоннинг миллатчи бўлганини пеш қилар эди. Биз ўзгараётган даврда Чўлпон ҳақида пайдо бўлаётган янги тасавурларни Яшин акага секин-аста етказиб, унинг қалби тубида ётган хотираларнинг юзга чиқишига эриша бошладик. Яшин ака Чўлпоннинг ўзига устоз бўлганини, бир неча шеърларини тахрир қилиб берганини айтди. Унинг пиёлини лабига яқин келтириб, тез-тез хўлаб ичишини эслади. Унинг Чўлпонга бўлган меҳри турли рангларда товлана бошлади.

Аммо афсуслар бўлсинки, Яшин ака бу хотираларини қозғашга тушириб, "Еднома"нинг иккинчи китобини тайёрлаш учун сўниб бораётган ижодий кучини қайта тиклай олмади.

XX аср сўнгига мамлакатимизда рўй берган оламшумул воқеа халқимизнинг яқин тарихини икки даврга — мустақилликкача бўлган ва мустақиллик даврига ажратиб юборди. Биринчи даврга яратилган асарлар орасида бугун ҳам бадиий қиммати йўқотмаган асарлар оз эмас. Лекин ақсар асарлар шўро даври талаби ва шўро мафқураси андозалари асосида ёзилгани учун, улар қандай талантли асарлар ва қандай машҳур адибларнинг қаламига мансуб бўлмасин, Тарих, Вақт ва Адабиёт галереясида тушиб қолди. Аммо бу ҳол шўро даври ёзувчиларининг хизматларини йўққа чиқармади. Чунончи, мақоламиз қаҳрамони Яшин XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндalarидан бири сифатида ўзбек драматургияси ва театр санъати тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси боис халқимиз хотирасида ҳамisha сақланиб қолади.

Наим КАРИМОВ

Сурат С.МАҲҚАМОВ бисотядан олинди.

Ориф ТҲУХТАШ

Ҳаёлимда сен ҳаммиша...

БОЛАЛИГИМ

Болалигим, ортда қолган болалигим, Софлигича содда қолган болалигим. Ахир, қандай унутайин, қунлар эмас, Ҳар бир даминг ёлда қолган, болалигим.

Ҳаққий эдинг, ёлғонларга унамасдинг, Битта эртак тингламасдан тугамасдинг, Ҳамми дўст билар эдинг, синамасдинг, Синовларга мени солган болалигим.

Сен умримнинг баҳорими эдинг унда? Ҳаётимнинг оҳорими эдинг унда? Нега менга «Биз биргамиз!» — деявга унда? Шу бир сўзинг чиқди ёлгон, болалигим.

Пайқамабман, ортда қолиб кетганингни, Опиқчардим, сезсам толиб кетганингни, Бу йўқотиш — менидан нолиб кетганимми? — Билолмайин дилда армон, болалигим.

Қўмсайман-у кўрмоқликка ҳеч чора йўқ, Лаҳза сайин умидларим кеч, чора йўқ, Ҳозир сендай бахтли, мендай бечора йўқ, Изларингга интизорман, болалигим.

Энди менга шўхликлар ҳам эрин бўлар, Сен — танаффус, энди дарста қирин бўлар, Ризватдан пешоналар тириш бўлар, Бўлмайсанми менга дармон, болалигим?!

Катта ҳаёт сари мен ҳам қадам қўйдим, Бўйим узра бўйинбоғлар қалаб қўйдим, Ҳавас билан суратинга қараб қўйдим, Тугаманлар қадалмаган болалигим.

Ҳаёлимда сен ҳаммиша билрадурсан, Ҳали-ҳануз билмаганим ўргатурсан, Юратими юксакларга ўратурсан, Қишлоғимда, тоғда қолган болалигим, Софлигича содда қолган болалигим!

ТИЛАК

"Баркамол авлод йили"га бағишланди.

Оруз — осмон элга Фалақдан имдод бўлсин. Сир-Аму орасида Хур Ватан бўвёд бўлсин.


Бунёдкорлик бобида Бобилар билмидон, Халқи абад ўзига Бек бўлган миллат бўлсин!

Ҳар бир уйга бешик бер, Фарзанд бер, Парвардигор. Қизи — Барчин, ўғлони — Алпомушқелбат бўлсин.

Аждодларнинг номига Муносиблик ёр бўлиб, Фарзандлар юрт бағрида Баркамол авлод бўлсин.

Дилдаги орузи Сунавч бўлсин Ватанга. Муस्ताқил, овоз ва хур, Генерал жаннат бўлсин!

Куч — билим, тафаккурда, Бирлашайлик! Бир Ватан Ҳеч қачон, ҳеч жабҳада — Енгилмас Давлат бўлсин!



ҲОЛАТ

Қишлоқда туғилдим, қишлоқда ўсдим, Қишлоқда танидим оқ-у қорани. Қишлоқ эди менинг энг яқин дўстим, Очқ қилиб кетар бўлдим орани.

— Яқин қол азизим, хайр-хўш энди, Шундай хитоб қилдим кетарим олди. Билмадим, у мени қандай тушунди? Узоқ уйга ботиб, кузатиб қолди.

Изимдан эргашди анча йўлгача, Бир сўз айтмоқчидай бўлди-ю лекин Қарали, қарорим қатъий, ўзгача, Хўрсиниб, ортига қайтди у секин.

Олисан қўзида ёшлар кўринди, Бу ҳам бир айриқч сабоқларини-да! Кутман, деб керилаган тошлар кўриди, Орзумнинг олис бир адоқлариди.

Сўнги бор қарадим ортимга ногоҳ, Йўллар ўз ҳолича — йўлда турарди. Икки қир ён бағри жойлашган қишлоқ Дуога очилган қўлдай турарди!

Оқликка бурканмиш ҳар тегра-жониб, Дарахт новдларини, шохлариди қор. Аммо мағлубликни тан олмай, тошиб, Бир барг узилмабди наҳот умидвор?!

Аҳди қаттиқ бўлса курашмас қиш ҳам, Баҳорга ҳам эрта, бўлай деб дурку. Ҳадемай бир япроқ кўрсатар нишон — Унинг тутиб турган жойидан бир кун.

Кўчани тўлдирган шўх қийқириқлар, Болалар қулгуси, ҳайрати, шанги. Қорбўрон; яхмак, эрка қилқилар, Дилларни чулғамини қишнинг зўр пағти.

Ким учун Янги йил янги бир ҳаёт, Яна кимдир учун гамдан форилқил. Қай фасл бўлмасин тугамас баёт — Инсонни бошқарса фикран ёруғлик.

Мана, уқларганиб ёғайтир ўшайди. Унинг тўқилиши шеърга ўқшайди. Гўёки ер энди мусаффо осмон, Осмон саховатли ерга ўқшайди!



ЯШИН ДОМЛАНИ ЭСЛАБ...

ин ҳам буюк Чўлпон билан яқин алоқада бўлганини, унинг ижодий ёрдамидан кўпроқ баҳра олганлигига қарамай, маълум сабабларга кўра, шу ҳақда бирор сўз айтмаган. Ҳолбуки, адиб умрининг сўнгги йилларида биз, бир-икки адабиётшуносга Чўлпон тўғрисида, унинг ўз ижодига кўрсатган таъсири тўғрисида миннатдор шогирд сифатида жўшиб сўзлаб берган эди.

Яна шунини айтиш лозимки, адибнинг поччаси, Андижоннинг илгор кишилари Ҳакимхон ва Олимхон Сарқоровларнинг хонадониди бой кутубхонага бўлиб, бўлажақ адиб шу кутубхонадаги Туркистон тарихига оид илмий китоблардан ташқари, Воқиф, Хусайн Жовид, Собир сингари озарбайжон, Абдулла Тўқай сингари татар ёзувчиларининг асарларини мўтолаа қилган ва бу асарлар ҳам унинг ижодкор сифатида шаклланишига муайян таъсир кўрсатган. Лекин шўро давлати шу даврда ўқув мусассаларида ташкил этилган комсомол-ёшлар ташкилотиди ёрдамида ёш авлоднинг ўз таъсир доирасига тортиб, улар билан Чўлпонлар, Хусайн Жовидлар орасига тўсиқ қўя бошлаган эди.

Болалик, ва ёшлик хотиралари ақсар ёзувчилар ижодида муҳим ўрин тутди. Чунончи, адибнинг отаси қайсидир бойдан олган қарзини ўз вақтида узоқлаб, Султонхон исми попукдек қизини бойнинг тўрт хотинли тантқиқ ва нодон ўғлига беришга мажбур бўлган. Бойвачча ўта зolim ва жоҳил кимса бўлиб, хотинларини ярим йил-бир йил деганда ота уйига аранг юборар, бошқа пайларда бўлар-бўлмасга калтаклар экан. Комилхон бир кун поччасининг уйига борганида унинг опасини қамчилаб, азоб бераётгани устидан чиқди.

Бундай воқеаларни кўриб, ўзбек хотин-қизларининг машаққатли қисматларидан эзилб юрган Яшин 1925 йилда қўлига қалам олиши билан Султонхон опасига ўқшаш аёлларга бағишлаб шеърлар ёзади. 20-йиллар охири — 30-йилларнинг ўрталарида ўзбек адабиётидан катта ўрин эгаллаган хотин-қизлар озодлиги мавзуси Яшин шеърларида ҳам бонг ўлароқ жаранглади. Еш шоир бу билан кифояланиб қолмай, ўқувчилик йилларидадан бошлаб ошифта бўлгани драматургияга қўл уриб, "Тенг тенги билан", "Лолахон" номли бир пардалли пиесаларини (1927), "Ичкарида" (1933), "Гулсара" (1934), "Номус ва мухаббат" (1935), "Нурхон" (1940) драмаларини ёзади. Яшин "Ичкарида" пиесаси асосида ёзилган "Гулсара" асари устида тинимсиз ишлаб, уни опера ва балет театри саҳнасига олиб чиқди. Шу тарзда хотин-қизлар озодлиги мавзуси Яшиннинг шеърини, айниқса, драматургик ижодида даврининг энг муҳим ижтимоий

киб, ўсиб-улғайиб, томошабин олқишига сазовор бўлган қалам захматқаси... Бу ҳақиқатан меҳнат эмас. Бу, ҳар томонлама етуклик, деган сўз. Одамларни билш, ҳаётни билш, ҳаётнинг ич-ичига сингиб кетиш, ...ҳаётни санъаткорона тасвирлай олиш ҳақиқатан гап эмас. Бу фазилатлар фақат етакчи ёзувчига, замон ва халқ олдида ўз масъулиятини қалбдан сезган қаламкашга хос фазилатлардир. Мен унинг ҳар асарини ўқигандаим ё саҳнада кўргандаим, катта ижодий меҳнат меваеси эканини ҳис этман...

Яшин XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндalarидан бири сифатида ўзбек драматургияси ва театр санъати тараққиётига улкан ҳисса қўлди. Драматургия ва театрининг бирор соҳаси йўқки, у шу соҳаларнинг вужудга келиши ва камол топишига ҳисса қўшмаган бўлсин. У етук драматург сифатида ўз асарини дилан ҳозирги ўзбек миллий академик драма театри репертурига белгилаб ва ўзбек драматининг "пана"сини кўтариб берди; ўзбек театр маданиятида опера санъатининг вужудга келиши ва равнақ топишига муносиб ҳисса қўшди. Шекспирнинг "Антоний ва Клеопатра", У.Галлибековнинг "Аршин мол олон", И.Брусиловскийнинг "Эр Торин", Б.Керболевнинг "Махтумқули", Мехти Хусайннинг "Олов", И.Қосимовнинг "Инсон меҳри" сингари асарлари Яшин таржимасида саҳна юзиди кўрди. У кинодраматургия соҳасида ҳам ижод қилиб, "Асал" (1940), "Ҳамза" (1060), "Генерал Раҳимов" (1067), "Шиддат" (1971) филмлари ҳамда "Оловли йўллар" телефилми (ҳамкорликда) сценарийларини яратди. 1958 йилдан 1980 йилга қадар бўлган даврда эса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилдики, шу даврда Шайхонданнинг "Мирзо Улугбек", О.Ёқубовнинг "Улугбек хазинаси", П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар доғи" сингари ўлмас асарларнинг майдонга келиши, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг шеърларига чақмоқ ўлароқ отилиб киришида, ўзбек ёзувчилари асарларининг рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, хорижда машҳур бўлишида унинг ҳам хизматларини йўқ, деб бўлмайди. Ўзбек адабиёти халқроқ обрўсининг худди шу даврда ошошида Яшиннинг собиқ иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари ва пешқадам қардош ёзувчилар билан яқин алоқада бўлганлиги муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Яшиннинг адабий-танқидий мақола-ларига назар ташлар эканмиз, унинг 1958 йил учун белгилаган ижодий режаси бизни хайратга солади. У 1957 йилда ҳозирги Миллий театр учун "Йўлчи юлдуз" драмаси, Мўқимий театри учун "Равшан ва Зулумор" мусиқий

ифтихор туйғуларини тўясиз.

Журналларни варақлаганда

Шунингдек, ушбу сонда фалсафа, маданият ва санъат, таржима муаммолари, адабий ҳаёт ва танқид масалаларига бағишланган мақола-лар, тадқиқотлар билан танишасиз. Т.Ғиёсовнинг "Ўзбек халқининг содик дўсти", Т.Шульц ва В.Вольфинг "Майкл Жексон: тантанавор ва фожиали умр", Б.Холбековнинг "Шеърлий таржима мезони", М.Қўқорованинг "Мак-Турбо — қалб кўзуси", Т.Қаҳхорнинг "Минг-Минг кўзи Туркестон бўлоғи" мақолалари шулар сирасидан.

А.Қабақовнинг "Узлатининг ёзувчиларида экан эмасман" ҳамда С.Г.Говорухиннинг "Қалбсиз авлод" суҳбат ва интервьюларида бевосита ижод жараёни, ёш авлод маънавиятида китобнинг ўрни масалаларида баҳс юрилади.


Ушбу сонда тагин Ж.Фустернинг "Талласа", Ч.Абдуллаевнинг "Борса келмасдан қайтганлар" романининг давоми, Б.Сарноловнинг атоқли адиблар ҳаётидаги аҳойиб воқеалар жамланган "Ҳеч ажабланман" (Ш.Оттабек таржимаси) номли ҳикоялари билан танишасиз.

"Ёшлик"

2009 йил, 6-сон
Журналнинг ўтаётган йилнинг ақунлоғи сониди



Биринчи учрашуви руқунда иқтидорли ёшлардан Шохид Чоршан-би қизи, Сарвиноз Мама-раҳимова, Гулҳебра Алиеванинг шеърлий машқлари билан танишасиз. Тарихчи Н.Полнованинг "Жалоллиддин Мангуберди" мақола-си миллатимиз фах-рига айланган улуг баҳодирнинг жанговар фаолиятини ёритишга бағишланган бўлса, филология фанлари номзоди Гуландом Тоғаеванинг "Увғоқликка даъваткор ижод" сарлавҳали тадқиқотида Ҳамза ижодида бугунги кун нуктаи назаридан ёндашилади. Умидда Сувонованинг митти масалаларида тинсоллар воситасида чиқарилган маънавий-ахлоқий ҳисоллар муштарифларини муайян фикр-мулоҳазаларга ундайд.



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2009 йил, ноябр сони

Журналнинг ушбу сони инглиз адабиётининг машҳур намояндalarи Роберт Штивенсон ва Оскар Уайлд новеллалари билан оchild. Уларни русчадан Рустам Обид таржима қилган. Таниқли қўриқ адиби Мурза Гапаровнинг «Мурғоб-ликлар» қиссасида (таржимонлар Курбон Саттор ва Турсунбой Адашбоев) олис ва сирли Бадахшондаги қирғиз эллатининг турмуш тарзи ўзига хос услубда ҳикоя қилинади.



«Шеърят минтақалари»да Фридрих Шиллернинг «Шодлик, эй сен, илоҳий олов» сарлавҳали бир туркум шеърлари русчадан Муҳаммад Али таржимасида берилган. Фахрий таржимасида эълон қилинган Вадим Муратхановнинг шеърлари туйғулар суратининг тиниқ ва таъсирчанлиги билан завқ уйғотди.

«Барҳаёт сиймолар» рукнида берилган француз олимни Люсьен Кереннинг «Улугбекнинг астрономия мактаби» мақола-сини, унинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига йўллаган мактуби ва газета муҳаррирининг француз олимга жавоб хатини ўқиб, улуг аллома бобомиз ижодидан фахр-

иқтихор туйғуларини тўясиз.

МАДАНИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида республика фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда юртимизда яшаб, фаолият кўрсатган турли миллат вакиллари қатнашди. Театр фойеида уларнинг бой маданияти, анъана ва урф-одатларидан ҳикоя қилувчи кўргазма очилди.

— Хунармандларнинг моҳир кўллари билан бунёд этилган гузаллик, Светлана Цой, Василий Захарский суратлари мени хайратга солди, — дейди Самарқанд вилоят рус маданият маркази раиси Ю.Огнев. — Мен Ўзбекистонда туғилиб-ўсганман. Бутун умрим ва фаолиятимни шу юртга, шу халққа бағишлаганимдан фахрланаман.

Концерт дастурида ҳудудларда ўтган фестивалларнинг энг яхши жамоалари қатнашди.

Кўрик-фестивал хайъати ўн тўққиз йўналиш бўйича совриндорларни эълон қилди ва уларга лауреатлик дипломлари ҳамда мукофотлар топшириди.

«Совриндорлар орасида Бухородан

«Мавриги» фольклор-этнографик гуруҳи, Сурхондарёдан ажойиб овоз соҳиби Гулимоҳ Мелибоева ижроси менда катта таассурот қолдирди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Соловей. — Кўплаб профессионал ва халқ артистларини кўрганман, лекин бундан аввалги санъатга баҳишда эътибор беришнинг қизиқлиги таҳсинга ва ҳурматга лойиқ. Бундай фестиваллар Ўзбекистон халқининг маънавияти қанчалар бойлигини ва бу бойлик авлодларга муносиб тарзда мерос қилиб қолдирилаётганини кўрсатади».

Тадбир дастурига кирган «Мустақиллик: ислохотлар, тараққиёт ва демократиянинг моҳияти» мавзусидаги илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Конституциясининг 17 йиллигига, республика Байналмилал маданият маркази фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

Суратда: фестивалдан лавҳа.



ХАЛОВАН

Нурмат ота туш кўриб, чўчиб уйғонди. Тонг белги бериб қолган экан. Таҳорат олиб, кўлини дуога очди. Раҳматли кампирини тушида: «Дадаси, ўнг томонимиздаги кўшидан нина сўраб олудим, қайтариб беришга улгурмадим. Баданимга санчилиб, азоб беряпти. Токча четидан турган бўлиши керак. Шунга эзига олиб чиқиб беринг», дея хомуш турганимиш...

Бомдод номозидан кейин қараса, нина токчада бир-икки қатим ип билан турган экан, аввал кампирини руҳига Куръон тиловат қилди, кейин ташқарига чиқиб, кўшинининг эшигини тақиллатди.

— Аянгиз сизлардан нина олган эканлар, шунини олиб чиқувдим, — деди кўнгли бузилиб.

— Овора бўлибсиз-да, амаки, эсимиздан ҳам чиқиб кетган эди, бемалол ишлатаверинглар, розимиз, — дейишди кўшчилар.

— Йўқ, сизлар рози бўлганингиз билан... аянгиз қайтариб берман, деган экан...

Ораддан бир неча кун ўтиб, ота кампирини яна тушида, ҳаловат оғушида кўрди.

Сирожиiddин ХАЙДАРОВ

КўНГИЛ МЕХРИГИЁҲИ

Чўпонлар билар мени,
Хўп ҳурмат қилар мени.
Май ойда юлишар,
Тўғраб сомса қилишар.
Юрагини созлайман,
Ичганин тозлайман.
Кувватим қанга тенг,
Думбага қовуриб енг.
Қонингни юргизмаман,
Ўрнингдан тургизмаман.

Таркибимда йод анча,
Фойдам бор юрак санча.
Чакана деманг бизни,
Оздирамиз семизни.
Витамининг қониман,
Ошқозонинг жониман.
Шарбатим жуда хушқўр,
Ишонмасанг ичиб кўр.
Иштаҳанг бўлар қарнай,
Ичаклар чалар сурнай...

Мевамни еб, тўйил обдон,
Дарбинг ариб, бўлгин шодон.

Тарвуз

Шарбатим чанқоқ босар,
Пешобни хайлар-тўсар.
Семиз бўлсанг озасан,
Ўзини енгил сезасан.
Ўт, қовуқда қолмас кум,
Эритаман ўшал зум.
Танда кўпар қонинг,
Қабзият эмас жонинг.
Уруғим еса инсон,
Гижжага келар қирон.
Ичкада бўлса яра,
Дамламман ичтил, жура.
Ердан куч олгум бўлсанг,
Кўён берар турфа ранг...

Помидор

Тяриф берсам ўзимга,
Ўхшайман ил узумга.
Камқон, бедармон одам,
Паришонхотирлар ҳам,
Есинлар тўйиб-тўйиб,
Довруғим элга ёйиб.

Чилонжидда

Касалланса ўпка, бўйрак,
Ва оғриси бирдан юрак,
Ҳам иситма чиқса ногоҳ,
Ҳасталанса ичак, томоқ,
Қон босиминг кўтарилса,
Нафас қисиб, ҳалак қилса,

ҚИЗИҚЧИЛАР

Авторлари бироз қалғи,
Қизиқчилар қизиқ бўлади.
Паст-у, баланд бўлиб, савлиги,
Е семиз, ё ориқ бўлади.

Боли каби ўйнаса чиллак,
Қагза-қичик чиллади чиллак.
Бошларидан гоҳ юрак теллак,
Гоҳ оёқдан чорак бўлади.

Барчаларини ятар жамиласи,
Дастурхонда яқор қилмас-ю.
Абдураим палло дамиласи,
Марио, Вали шериқ бўлади.

Кўриниши эридан бот-бот,
Эчанг бўлса, сен улара сот.
Янги чилдан Санчо, Дон Кихот —
Зокардон ва Ортиқ бўлади.

Тярифлаган уларни Гомер,
Ҳанас қилган ҳаттоки Хаммер.
Улар от деб минар ё Бумер,
Ё остида хўтик бўлади.

Устингидан кулсалар гоҳор,
Сиз улардан рақибманг асло.
Қизиқсиз қалса бу дунё,
Арктикадай соғуқ бўлади.

РИВОЯТ

Ўтарканман тунда бир уй ёнидан,
Деразадан ёриб чиқди ўтди сис:
«Сен инсонмас паризодсан, жонивдан,
Сени зотинг асло одамзод эмас!»

Ярим аер ўтиб кетди ораддан,
Яна ўша таниш уйдан чиқди сас:
«Сен инсонмас жодутарсан, Ёсуман,
Сени зотинг асли одамзод эмас!»

Ёқуб АҲМАДЖОНОВ

Газетхон илҳом

УМР

Умри боғларга қиёс этгулик,
У бизга улашар ширасидан бол.
Умри тоғларга қиёс этгулик,
Чўққисига етиш кўп амримахол.
Умри уммонга қиёс этгулик,
Маажлар тўғонини завқ берар дилга.
Умри иймонга қиёс этгулик,
Юз йил яшасанг ҳам битмас кўнгида.
Умри оҳуға қиёс этгулик,
Ортидан тутмоқ-чун тун-қун чопамиз.
Яна оқар сувга қиёс этгулик,
Унга етсак сўнги йўлни топамиз.

ЯХШИЛИК

Оқил инсонлар беъмиллар:
Элга эҳсон яхшилик,

Тярифи оламга сизмас
нурли бўстон яхшилик.

Яхшилик қил ҳар одамга,
бўлсин иймонинг бутун,
Ул эрур дардинга малҳам
худди Луқмон яхшилик.

Сўз билан меҳринини изҳор
айла сен инсон учун,
Ҳар балодан асрагувчи
мисли қалқон яхшилик.

Ҳеч зунтма, яхшидан от
ёта ёнидан дод қолур,
Инсон умрини беэзага
бергай имкон яхшилик.

Эй Мурод, қўзла ҳаминша
яхшиликнинг чўққисин,
То тириксан, қўла тинмай,
айла дoston яхшилик.

Муроджон АЗИЗОВ

Чортоқ тумани

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Кўзи сўқирдан кўрқма, қалби сўқирдан кўрқ.

Туя минсанг ҳам узоқни кўзла.

Игна билан битадиган ишга жуводдиз суқма.

Ўтнингини аяма, нонингини кулга таяма.

Мактабда ўқиб юрган давридаёқ Баҳодир Турғунов мамлакатимизнинг қадим тарихига, Далварзинтепадаги археологик қазилмалар жараёнига жиддий қизиқарди. Топилаётган турли ашёлар унинг фикру хаёлини банд этганди.

Ана шу қизиқиб сабаб ҳозирги Миллий университетнинг тарих факультетида ўқиди, буюк олимлар М.Массон ва Г.Пугаченковлардан сабоқ олди. Талаба-

лик даврида эски Марвдаги Султонқалъа ҳудудини пиёда кезиб чиқди ва ўрганганлари бўйича маъруза тайёрлади. Шу тарихи талабалар анжуманларидаги турли-туман маърузалари билан мутахассислар эътиборига тушди. М.Массон илмий раҳбарлигида диплом ишнинг муваффақиятли ёқлаган ёш мутахассис Г.Пугаченкова тавсияси билан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга қабул қилинди. Шун-

дай қилиб Б.Турғуновнинг илмий фаолияти бошланди.

М.Массон ва Пугаченковнинг бевосита таъсири остида Баҳодир Турғуновнинг илмий изланишлари доираси шаклланди. Асосан, Кушон давлати тарихи ва будда санъати билан боғлиқ бу изланишлар унинг илмий ва ижодий ҳаёти мазмунига айланди.

Салкам элик йил давомида битта ёдгорлик — Далварзинтепа — давларини эсла олиб бориб, уни бутун дунёга машҳур қилишда қатнашиш ҳамма олимларга ҳам насиб этевермаган. Шу йиллар давомида бу ерда ҳар томонлама қулай архитектура базаси вуҷудга келди. Ана шу база яқинида жойлашган Шўрчи туманига қарашли 43-мактаб Сурхондарё вилоятидаги машҳур ўлкашунослик музейларидан бирига айланди. Шунингдек, Миёнқал ва Айртон ёдгорликларидаги қазилма ишларида ҳам Б.Турғуновнинг хизмати катта бўлди.

1988 йили Япониянинг қадимий шаҳарларидан бири Нарада «Буюк Ипак йўли Нарага олиб боради» бутунжаҳон кўргазмаси очилди. Экспонатлар орасида Б.Турғунов раҳбарлигида Далварзинтепадан топилган учта будда хайкали ҳам бор эди. Ана шу кўргазма сабаб япон ва ўзбек архитекторлари ўртасида ҳамкорлик алоқаси ўрнатилди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ва Япониянинг Токио шаҳрида Сока университети ўртасида Далварзинтепадаги будда

ибодатхонасида қазилма ишларини олиб бориш ҳақида шартнома тузилди.

Икки овоз дил сўзи

Баҳодир Турғунов ноёб экспонатлар билан бирга дунёнинг Цюрих, Штутгарт, Париж, Куала-Лумпур, Вашингтон каби кўплаб

МОЗИЙ БИЛАН ТИЛЛАШГАН ОЛИМ

шаҳарларида бўлди, у ерлардаги археологлар, музей ходимлари билан учрашди, талабалар ва мутахассисларга археология, архитектура, халқимизнинг турмуш тарзи ва маданияти ҳақида маърузалар ўқиди.

Япония таассуротлари асосида «Японлар. Улар ким ўзи?» номли китобини ёзди, Кюдзю Като Санъатшунослик институтининг Фахрий профессори дипломига сазовор бўлди. 1995 йили олим Берлин Археология институтининг мухбир аъзоси

Утеранный страховой полис № 0076761 зарегистрированный на имя компании ООО "Burjuu Respect" СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ИП ООО "Sarbon Invest" зарегистрированный Министерством Юстиции Республики Узбекистан 03.07.2009 года, реестр № 1016, расположенный по адресу г/Ташкент, Чиланзарский р-н, 2 кв, 48-

қилиб сайланди, 1998 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан тақдирланди.

Олим кўп йиллар Ўзбекистон телевидениесининг «Қизиқувчилар экрани» илмий-оммабоп кўрсатувини олиб борди, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп ишлари чоп этилди. Сўнги йилларида Б.Турғунов Денов туманидаги Қорабтоғтепа шаҳарчасида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Денов шаҳрининг ёшлари аниқлаш мақсадида жиддий ишлаётган тинч-тинчмас олим ҳозиргача ер тағдидан эраизига бўлган IV-III асрларга тааллуқли тўртта бебаҳо тош базани аниқлади. Шу билан бирга, устоз талабалар, сайёҳлар ва бошқа меҳмонларга маърузалар ўқиди, талабаларнинг археология бўйича амалиётига раҳбарлик қилди.

Кутлуг етмиш ёшида ҳам шунча ишларни бажаришга улғураётган муҳтарам устозга ижодий ютуқлар ва соғлиқ тилаймиз.

Лариса ЛЕВТЕЕВА

дом, (ИНН 300600638) извещает об уменьшении уставного фонда общества с 3 126 351,33 долл. США до 2 956 510,03 долл. США. Претензии принимаются в течение 30 дней по телефону 706-27-80.

Частная фирма "Sharq XFS" (ИНН- 201125225) сообщает об изменении юридического статуса: из общества с ограниченной ответственностью.

Утеранный диплом №026224 выданный Узбекистаном давлат Жаҳон тиллари университети в 1995 г. на имя Каюмовой Икхобат Раимовны СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ташкент шаҳар Собир Рахимов тумани 315-мактаб томонидан 1993 йил Нуралиева (Мухамедова) Дилдора Шералиевна номига берилган O'R №062619 рақамли шадонатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранную гужоному на розницу торговлю ООО "MUKHAMMAD SHAMS JAMOL" за №004556 реестр №004556-11 выданную 21.05.2009 г. хожимиятом Яккасарайского р-на г.Ташкента, расположенного по адресу: ул.Ак.Сирожиiddинова ИИН 301194597 СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

SAD KO хусусий фирмасининг (ИНН 20459153) 2009 йил 24 декабрдаги 11-сонли буйруғига асосан фирманинг устав фонди 40 700 000 сўмдан 10 700 000 сўмга камаётганлигини маълум қилди. Эътирозлар 295-47-32 телефони орқали қабул қилинади.

Хамза тумани тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 25.11.2009 йилда №002587-09 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "ODIL BARAKA IJODKORLAR" МЧЖнинг устав фонди 129 553 221 сўмдан 80 264 710 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилди.

Ташкент давлат Техника университети томонидан 2007 йилда 51-07 ЭТ гуруҳ талабаси Воҳидов Бахтиёр Ахмадвалиевич номига берилган Рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный гос.ордер за №11-02/3876 от 2602.93 Права собственности на квартиру на Плещенко Владимир Петрович и Машаева на квартиру расположенный по адресу: Яккасарайский р-н,

ул.У.Носира, дом 100*, кв №37 от 1993 г СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"SHANAR KUTUBXONALAR KOLLEKTORI" шўъба корхонасининг (ИИН-204615791, ОКОНХ 71280) мақоми "SHANAR KUTUBXONALAR KOLLEKTORI" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga ўзгариши муносабати билан "SHANAR KUTUBXONALAR KOLLEKTORI" шўъба корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича (дебитор ва кредитор қарзлари) вориси "SHANAR KUTUBXONALAR KOLLEKTORI" mas'uliyati cheklangan jamiyati жаъво беради. Тел: 234-60-85.

Утеранные угловой штамп и круглую печать ООО "Badiliy Jamg'arma Direksiya" СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный диплом КНМ 003594 выданный 30.06.2002 Хамзинским Железнодорожным профессиональным колледжем на имя Шамситдинова Анатолия Эркиновича СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ДП "METALL-XIZMAT" было выдано свидетельство о государственной регистрации №1304 от 04.01.1999 г. Управлением статистики г.Ташкента данное свидетельство было утеранно. В связи с вышеизложенным свидетельств о государственной регистрации №1304 от 04.01.1999 г. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "ORIENTAL STAR TOUR" зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на, г.Ташкента №003442-09 от 28 июля 2009 года (ИНН 207015555) ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решения собрание учредителей от 18.12.2009 г). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по адресу: г.Ташкент, массив Гулабад, дом 97, кв 61. тел: (+99897) 792-11-10.

Узбекистон Ёзувчилар уюммаси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Одил ЁҚУБОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг ила аъзолари, дўст-қадрдонларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзр Фа Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи жамоаси етакчи илмий ходим, академик Азияхон Каюмовага уқаси

Насимхон ҚАЮМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮММАСИ
НОПИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ҲОМИЙ: «МАЪБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзиллими: Ташкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-81-52

Электрон манзиллими:
info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55

Санъат бўлими: 236-56-48
Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош
муҳаррир
Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган кўчмалар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаховаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан
рўйхатга олинган. А — 4193. Буюртма Г — 1148. Ҳажми — 5 босма табоқ.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5 6 7 8

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА
НАРХИ
ЭРКИН